



**Бадий адабиётда образнинг тутган ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Образга юкланган миссиясига қараб, санъат асарининг салмоғини чамалаш мумкин. Шоир ижод йўлида маълум бир юкори даражаларга эришгандан сўнг, у дунёни шунчаки эмоционал – эмпирик тарзда қабул қилиш билан қаноатланмайди, балки асосий бадий гоёларини образнинг зиммасига юқлай бошлайди. Шунга кўра ҳар қандай шоирнинг шеърий меросини сувдан кўтариб кўрганимизда, элақда гўзал поэтик санъатлардан ҳам олдин кўзга «ярк» этиб ташланадиган элемент бу образдир. Сирасини айтганда, яратган образларнинг салмоғи, характери ва яна шунинг қоби кўплаб хусусиятларини чамалаш асносида ижодкорнинг дунёни бадий – эстетик идрок қилиш табиатини тушуниш мумкин. Ушбу хусусиятларини баҳолаш натижасида эса шоирнинг адабиётдаги ўрни, ижодининг моҳияти, янгилиги ва ўзига ҳослиги тўғрисида сўз юритилади.**

Образ жуда кенг тушунча. У олам – объектив борлик ва ижодкор – субъектив борликнинг ўзаро «тўқнашуви»дан пайдо бўлади. Образ – бу воқелиқдан кўчирилган қалқ – нусха эмас. Унда ижодкорнинг индивидуал ёндашуви акс этади. Агар мана шу ёндашув бўлмаганда эди, бадий адабиётдаги образ тушунчаси ўзининг кўп қатламли моҳиятини йўқотган бўларди. Чунки айнан образга юкланган индивидуаллик алал-оқибатда унинг жозибасини оширади, яъни образни турли-туман нуқтаи назардан туриб баҳолаш, талқин этиш имконини беради.

Образнинг қоби, жозибаси яна шундаки, у шоир ифодақамокчи бўлган фикр, ҳис-туйғу ва қечинқани маъно жихатидан товлантириб беради. Яъни ўз қайфиятини айниқса, қамзий образ орқали акс эттирган шоир шу нарсага эришадики, энди уни ҳар ўқувчи ўзига қаниш қанзараларда тушунади. У яратган образлар муҳлислар қалбида янқидан инқишоф этилади. Шу маънода ҳар бир ўқувчининг юрағида ўз «Гўзал»и, (Чўлпон), ўз «Наъматаг»и (Ойбек) ва ўз «Тилла қалиқча»си яшайди. Демақ, шоир образ орқали фикрлай бошқанда фикрини охиригача айтмайди. Чунки бу ишни ўқувчининг ўзи бақаради. Шу тарзда санъатнинг, шеъриятнинг эстетик таъсир қамдони қенгайиб боради.

60-йиллар охири ва 70-йилларга келиб давр яна ўзгаришга юз бурди. Чунки Сталин вафотидан сўнг мамлакатда кўз очган иликлик кайфияти секин-аста ўз мевасини бера бошлаганди. Натижада поэтик образнинг зиммасига юкланадиган бадий юк хам янгиланди. Дастлаб рус адабиётида ниш урган эркин тафаккурнинг куртаклари ўзбек шоирларининг шеърларида хам кўрина бошлади. Шоир ўз эътиборини социалистик курилишларнинг дабдабасидан олиб, кўнгилга каратди, ўзини ўзи тафтиш эта бошлади. Инсоннинг бахти ва бахтсизлиги хакида ўйлади. Р. Парфи, А. Орипов, Э. Вохидов каби шоирларнинг шеърларидаги энг яшовчан образлар (масалан, Р. Парфида «Бир кушча деразам ёнида» шеъридаги кушча образи) ана шу зайилда дунёга келди. 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса тагин бир янги авлод шеърлятида ўзгача поэтик образлар кезиб колди: бу ердаги лирик кахрамонлар жамиятни ва инсонни тузатишга астойдил бел болаган адолатпарвар, ватанпарварлар образлари бўлиб майдонга чикдилар. Бу холни Ш. Рахмон, Х. Даврон, У. Азим каби шоирларнинг шеърлари мисолида кузатиш мумкин.

Жоним-жигаримсан,  
Сен-да одамсан,  
Лоакал кўзингда бир ёш кўрсайдим,  
Лоакал ковушиб колган кўлингда  
Ёвларга аталган бир тош кўрсайдим.  
(Ш. Рахмон)

Шеърнинг 1983 йилда, яъни юртимиз хали истиклолга эришмаган бир тарихий паллада ёзилганини эсласак, масаланинг мохияти теранрок англашилади. Шеърда ватан учун куйиб ёнаётган образ мавжуд. Бу образ миллатпарвар, ватанпарвар, озодлик йўлида жонини беришга тайёр кахрамон бўлиб гавдаланади.

Бўлиниб боряпман минг бир бўлакка,  
Хотирам йўкликка коришиб кетди.  
Селдай окиб кетди кўксимдан юрак,  
Факат хаёл тошдай котди бошимда.

Чинорнинг тагида бўлиниб ётибман,  
Шунда бир сўз баргдай лабимга кўнар:  
«Ватан» дейман, такрор айтамен «Ватан»...  
Бирлаша бошлайди юрак, акл, тан...  
(У. Азим).

Хаёт сўкмокларида бўлиниб бораётган инсонни тиклашга, унинг парчаларини кайта бирлаштиришга кодир ягона куч – шоир назарида – Ватандир. Мана шу тарзда У. Азим, Х. Даврон ва Ш. Рахмонлар шеърлятида Ватан бир улкан поэтик образ сифатида бўй кўрсатади. Бу образ шеърга кўчиб яшайди ва такомиллашади.

Хар бир тарихий давр ўзининг муаммолари билан яшайди. Бундай яшаш давр кайфиятини белгилайди ҳамда айна кайфиятни ўзида мужассам этади, уни акс эттиради. Демак, шеърлятдаги образлар ҳам ўз-ўзидан шу давр кайфиятининг ўзига хос моделлари сифатида дунёга келади. Биз поэтик образ мохиятига кириб борар эканмиз, ўз-ўзидан мазкур образни яратган давр кайфияти билан ҳам танишиб борамиз. Яна хар бир давр муайян поэтик образнинг табиатидан ўзига якин ва таниш бўлган нималарнидир топиб олади. Бу эса образнинг умрбокийлигини таъмин этадиган омиллардан саналади. Кўринадики, образ бу – умумлашма макет. У шундай бир трамплинки, у ердан ўкувчи ўз имконига – маънавий эстетик тайёргарлигига караб, истаган томонига учиб кетиши мумкин. (Албатта, образнинг мохияти ва табиати берган имкон доирасида).

Шеърлятда (умуман, санъат сохасида) яратилган образлар мохиятини тадқиқ этиш шоир (санъаткор)нинг вокелик билан муносабатига ойдинлик киритади. В. Хализев образнинг икки хилини ажратади: англам феномени сифатидаги образ ва тасаввурнинг хиссий (кўриш ва эшитиш воситасида) гавдаланиши оркали хосил бўлувчи образ. А. Потеня эса «Фикр ва тил» номли тадқиқотида образни «тасаввурнинг кайта ишланиши» деб атади. В. Хализев айна «образ»ни санъат назарияси учун энг ўринли эканини кайд этади. Албатта, образ турли хил бўлади: унинг илмий-иллюстратив, фактик ва бадиий кўринишлари хакида кўп ёзилган. Шулардан бадиий образ айрим холларда ўйлаб топилган бўлиши ҳам мумкин. Унинг айнан ўхшаши – эквиваленти реал хаётда бўлиши шарт эмас. Аммо бу – бадиий образ хаётдан тамоман узилган бўлиши мумкин, дегани эмас. Хар канча ўйлаб топилган бўлмасин, ўзининг мохият-эътибори билан кишилиқ турмушининг, унинг кўнглининг кайси бир холатларини инъикоси сифатида дунёга келгани боис, бундай образлар ҳам хаёт билан чамбарчас боғланган саналади. Хатто бадиий образнинг мохияти романтик бўлса ҳам, барибир, у инсониятнинг хаёл ва орзуларини акс эттирганига кўра реал заминга эга хисобланади.

Кейинги вақтларда образ тушунчасида муайян ўзгаришлар юз бергани тўғрисида ёзилапти. Чунончи, семиотика фанининг асосий тушунчаси – белги айрим ўринларда образга тенг маънода кўллана бошлангани хакида илмий карашлари илгари сурилмоқда. Лекин чуқуррок мушохада этилса, белги образ зиммасига юкланган вазифани тўла-тўқис бажара олмаслиги аён бўлади. «Белги образ деган анъанавий тушунчани бекор

килмади, лекин унга ўзга – янаям кенг маъно контекстини багишлади» деб ёзади Е. Хализев. Ушбу назарий фикрни инкор килмаган холда, айтиш жоизки, белги образга элтувчи йўлдаги кўрсаткич ишораларидир. Образ ана шундай белгиларнинг муайян максад сари йўналтирилган тизимига тенг. Бу дегани шуки, белги хар доим хам образга тенг эмас. Айрим холлардагина муайян белги образ даражасига чикиши мумкин. Аслида образ белгига нисбатан анча кенг ва салмокли тушунча. Мана шунинг учун хам шоир яратган образлар мазмун-мохиятини текшириш оркали унинг бутун ижоди мохиятини англаш мумкин бўлади. Унинг ижодида белгилар жуда кўп учраши мумкин, бирок хакикий образларнинг бутун бошли галареясига дуч келиш кийинрок. Кўринадики, XX аср ўзбек шеърляти тонг отарида миллат, юрт озодлиги учун, унинг маърифатли бўлиши учун жонини хам тикишга тайёр кахрамон образи мавжуд эди (Чўлпон, Фитрат шеърларида). Кейин эса бу образ истар-истамас улкан империянинг соц. курилишларига тортилиб кетди. (У. Носир, Х. Олимжон, Гайратий, Г. Гулом ва кисман Ойбек шеърлятида). Иккинчи жахон уруши йилларида бўлса, у «кўлингга курол ол» мурожаатига амал килиб, фашистларга карши курашга сафарбар этилди. Урушдан кейин ва то 60-йилларнинг ўрталарига кадар эса шеърлятдаги образ гўё нафас олмай кўйди. Унинг бор-йўклиги билинмай колди. Чунки таъкидланганидек, хар бир давр образга муайян гоаявий, бадий, эстетик ва маънавий юк юклайди. Шундан келиб чикадиган бўлсак, урушдан кейинги 15-20 йиллик муддат мамлакатимизнинг сиёсий-иктисодий тарихига тикланиш деган ном остида кирган бўлса хам маънавий хаётимизда чинакам тургунлик даври бўлди. Бу эса адабиётга ўз таъсирини ўтказмай кўймади. Чунки образ муаллиф ва ташки дунё ўртасидаги ўзига хос алока воситасидир. Образ объектив борлик ва шоир – субъект ўртасида барпо этилган энг ишончли кўприк. Хассос ўкувчи бу кўприк оркали бир вақтнинг ўзида хам шоирнинг бадий эстетик оламига, хам у яшаган даврнинг гоаявий-маънавий сархадларига саёхат килиши мумкин. Шундай экан, образ бу – объект – реал борлик билан субъект – муаллиф учрашган лахзада ўртада пайдо бўлган жамики мулокатларнинг онг ва калбдаги сувратларига тенг. Бундай образ хар бир ижодкор учун унинг ўзигагина тегишли мулокат саналади.

Поэтик образ ўз-ўзича яшамайди. У бадий гоая ва кўпдан кўп бадий деталлар билан биргаликда муайян узилмас халкани ташкил этади. Айни чоғда таъкидлаб айтиш жоизки, баъзи холларда бадий образ маълум бир шеърни тутиб турган бадий компонентларнинг зухуроти – ягона суврати тарзида хам намоён бўлиши мумкин.

Шоир поэтик образ оркали тушунча, фикр ва карашлар макетини яратиши мумкин. Бундай макет ўзининг ички мазмунига кўра универсал бўлади. Шу маънодаки, у ўкувчининг дунёкараши, адабий тайёргарлиги, максади ва бошкасига караб туриб турли-туман талкинлар эшигини очиб бораверади. Бас, шундай экан, ишонч билан айтиш мумкин: ижодкорлар бадий образ оркали фикрлай бошлаши унинг чинакам санъат оламига кадам кўйганидан далолат беради.

Демак, 60-йилларнинг ўрталаригача давом этган маънавий тургунликдан сўнг ўзбек шеърлятида янги сахифа очилди. Чунки бу ишни янгиланган поэтик тафаккурнинг меваси – янги образ адо этган эди. 60- ва 70-йилларнинг аввалида шеърлят майдонига кириб келган поэтик образ аввалгилардан яккол ажралиб турарди. У ўз ватанини, ўз она тилини, ўз мунис халкини, унинг кадриятларини жон дилидан севишини айтишдан чўчимайдиган кахрамон эди. У ўз нигохини улкан империянинг соц.курилишларидан, дабдабасидан олиб, ўзининг ва ёнидаги инсоннинг кўнглига каратганди. Кўнгилни куйлади, унинг дардларини тараннум этишни шеърлятнинг бош омили деб билди. 70- ва 80-йилларда эса шеърлятда яна бир образ пайдо бўлди. У мурасасиз чиқди. Унинг адолатпарварлиги ва ватанпарварлиги 60-йиллар авлодиникидан ўтиб тушди. Уларнинг уринишлари ижтимоий дардни ўзининг, шоирнинг дардига айлантирган Чўлпоннинг чирпанишларини ёдга соларди. Яъни бу авлодда хам худди Чўлпону Фитратда бўлгани каби шоирлик ва фукаролик бурчлари бирлашиб, айналашиб кетди. Натижада шеърлятда жанговар, адолатпарвар, ватанпарвар, элпарвар кахрамоннинг поэтик образи дунёга келди. Бу нарса маълум маънода ижтимоий публицистикани, ялангоч гоьпарастликни хам юзага чикарди.

90-йилларга келиб, яъни юртимиз истиклолга муяссар бўлгандан кейин эса шеърлят зиммасидаги айрим ижтимоий буюртмалардан холос бўлиб, назмнинг азалий тамойилларига юз бурди. Демак, хар кандай давр шеърлятини олиб ўрганиб чиқсак, шу нарсанинг шохиди бўламизки, унинг ўзига хос услуби, ифода йўсини, оханги, гоьлари тагзаминида ўз даврининг сиёсий-тарихий, ижтимоий-иктисодий, маънавий-рухоний эврилишлари ётади. Бу эврилишлар шоир ижодида бетакрор поэтик образларда акс эттирилсагина шеърнинг замонлар синовидан ўтишига умид килинади.

## **Улугбек Хамдам**